



## Нұрсұлтан НАЗАРБАЕВ: БИРЛИГІ МУСТАЖКАМ ЮРТ – ЕҢГАДИ

Қозғыстон Республикасы Тұнгич Президенті – Элбоши Нұрсұлтан Назарбаев «Егемен Қазақстан» газетасыда чоп этилган мақоласыда Қозғыстон халқыға, шу жумладан, зиёлілар, ёш авлод ва тадбиркорларга мурожаат қилды, деб хабар беради *Elbasy.kz*.

Элбоши мақоласыда бугунғы кунда бутун дунё нотинч бўлиб, миллат саломатлигига хавф таҳдид килаётган бир пайтда Қозғыстон халқини сабр-тоқатли бўлишга даъват этди.

– Евросиё иқтисодий иттилоғининг ташкил этилиши, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари конференцияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг тарихий саммити, Астана иқтисодий форуми ва Жаҳон кўргазмаси – буларнинг барчаси Қозғыстон ва дунё ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ишончга асосланган иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган. Ҳаётнинг ўзи, ҳозирги вазият, бизнинг бирлик ва ҳамжиҳатликка асосланган сиёсат олиб бориши ягона тўғри йўл эканлигини кўрсатди, – деди Н. Назарбаев.

Тұнгич Президент мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиёти диверсификация қилинганига тұхталди.

– Мустақиллик йилларида биз иқтисодиётимизни диверсификация қилишга күч сарфладик. Ушбу мақсадга еришиш учун биз «Қозғыстон-2050» стратегиясини ишлаб чиқдик ва Жадал индустрив-инновациявий ривожланиш дастури бўйича 1000дан зиёд янги корхоналар очдик. Бунинг натижасыда жаҳон миқёсида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилди ва мамлакатта янги технологиялар кириб келди. Бу мамлакатни учинчи технологик модернизация қилишга йўл очиб берди, – деди у.

– Ҳозирги Қозғыстонни Совет Иттилоғи парчаланган 1990 йиллардаги Қозғыстон билан таққослаб бўлмайди. Ҳозиргидек қийин кунлар учун, келажак авлодлар учун тўпландиган Миллий жамғармамизда ва олтин-валюта фондида 90 миллиард доллар бор. Бу ўз навбатида, undan оқилюна фойдаланиш орқали бугунги қийинчиликларни енгисх учун кенг имконият яратади, – деди Н. Назарбаев.

Элбоши Давлат раҳбари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга ҳам тўхталиб ўтди.

– Президент Қасим-Жўматр Тўқаев яқинда халқиң Мактубида барча ижтимоий турұхлар, тадбиркорлар ва қишлоқ хўжалигига турли хил ёрдам күрсатилиши тўғрисида батағсил маълумот берди. Агар Қозғыстоннинг миллий иқтисодиётдаги ютуқлари ва юқорида айтиб ўтилган жамғарма яратилмаганида, бунинг имкони бўлмасди. Қачонлардир жамғармани одамларга тақсимлаб бериш таклифи билан чиқанлар ҳам бўлди, аммо ҳаётнинг ўзи тўғри қарор қабул қилганимизни кўрсатди, – деди Нұрсұлтан Назарбаев.

Элбоши мақоласыда зиёлилар ва ёш авлодга, шунингдек, тадбиркорларга алоҳида мурожаат қилди.

– Мен аввалимбор кекса авлод ва зиёлиларга мурожаат қилмоқчиман: халқни бирдамликка, яхшиликка, ҳайрли ишларга, соғлом турмуш тарзига даъват этинг. Ёшларни ишлашга, маълумот олишга, илғор бўлишга ўргатинг. Келгуси авлодлар олдиғаги масъулият бизни шундай йўл тутишга мажбур қиласди. Ёш авлодга айтаман: сиз мустақил юртда туғилиб-ўсдингиз. Сиз – юрт таянчисиз. Катта авлод сиз қўлидан келганини қилди ва энди меҳнат қилиш навбати – сизда. Ёмон одатлардан кочинг ва яхшилик қилишга интилинг. Каттапарни хурмат, кичикларни иззат қилинг, бир-бирингиз билан дўст бўлинг. Тадбиркорларга айтмоқчиман: мустақиллик туфайли сиз ўз бизнесингизни шакллантирдингиз, бойлик ортиридингиз. Энди “Мен ўз юртимга нима бердим?” деб ўзингизга ҳисоб бериш вақти қилди, – деди Тұнгич Президент.

– Биз бирлиги мустаҳкам юртмиз. Мен доимо халқим билан бирга бўлғанман ва бу сафар ҳам мен сизлар биланман. Биз биргамиз! Келинг, таслим бўлмайлик, бирдамлигимизни ўйқотмайлик. Шундагина муқаддас мустақиллигимизни сақлаб, Қозғыстонни муносиб равишда Мангу Эл қилас оламиз», – деди Элбоши.

**ҚозАхборот.**

Республика ижтимоий-сиёсий газетаси

# Жанубий Қозғыстон

TURKISTAN  
janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 9 апрель, пайшанба. №36 (2811).

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАХИРАСИ ЕТАРЛИ



Давлат раҳбари «Continental Logistics» МЧБнинг транспорт-логистика марказига бориб, 6 минг тоннадан зиёд озиқ-овқат товарлари сақланадиган омборни оралаб кўрди.

Нур-Султан шаҳрида умумий майдони 222 минг квадрат метрни ташкил этадиган 7та логистика мажмуаси ва 37 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган 7ta сабзавот омбори бор.

ҚР Президентига пойтахт ва минтақаларни озиқ-овқат билан таъминлаш ахволи ҳақида баёёнт берилди.

Савдо ва интеграция вазири Бақит Султанов Давлат раҳбарида ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат таъварларининг баҳосини созлаб туриш мақсадида қабул қилинган чоралар ҳақида маълумот берди. Қишлоқ хўжалиги вазири Сапархан Ўмаров эса сабзавот маҳсулотлари, бўғдой ва уннинг етказилиши ҳақида айтди.

Нур-Султан шаҳри ҳокими Алтай Кўлгинов Давлат раҳбарини пойтахтнинг бугунги ахволидан боҳабар қилди.

Қасим-Жўматр Тўқаев Ҳукуматга вилоят ва шаҳар ҳокимлари билан бирлашиб, озиқ-овқат товарлари баҳосини оширишга йўл қўймаслик, олиб-сотарлик ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, барқарорлаштириш жамғармасини тўлдириш вазифаларини топшириди.

“Егемен Қазақстан”дан.

## ШИФОКОРЛАР КУЧАЙТИРИЛГАН РЕЖИМДА ИШЛАМОҚДА

Туркестон вилоятида вирусга қарши курашда шифокорлар фаолияти кучайтирилмоқда.

Минтақада бугунги кунда 400га яқин шифокор, ўрта ва кичик бўғин тиббиёт ходимлари кундаликдаги хавф-хатарнинг ўртасида инсон хаётини сақлаб қолиш мақсадида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Вилоят бўйича инфекцияга чалинган барча беморларни даволаш учун

150та ўрин тайёрланган. Пандемия вирусига ўхшаш касаллиги бор беморларни жойлаштириб, ташҳисларини аниқлаш мақсадида 510 ўринли провизор госпиталлар кўзланган. Бундан ташқари, барча туман ва шаҳарлардаги юқумли касалликлар бўлимлари тайёр. Алоқада бўлғанларни қамраш учун вилоят ҳудудидаги 955 ўринли карантин марказлари ташкил этилган.

Озиқ-овқат баҳосини кўтаргандарга 530 минг тенге жарима солинади. Керакли товарлар ва дори-дармонлар баҳосига тегишили масалалар бўйича шаҳар прокуратурасининг тезкор гурухи билан боғланиш мумкин.

## ЖАРИМА – 530 МИНГ ТЕНГЕ

Буни пойтахт ҳокимлигининг расмий сайти маълум қилди. Қозғыстонда 1 апрелдан бошлап ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларига чекланган чакана савдо нархи жорий қилинди.

Чунончи, биринчи навли бўғдой унидан тайёрланган ноннинг баҳоси – 150 тенге, биринчи навли бўғдой унининг килоси – 197 тенге, қадоқланган утра – 230 тенге, қадоқланган арпа ёрмаси(дон) – 339 тенге, тозаланган ва қадоқланган гуруч – 307 тенге, мол гўшти (суякли) – 2113 тенге, товук тухуми (10 дона биринчи нав) – 351 тенге, кунгабоқар мойи – 451 тенге, ош тузи (“Экстра”дан бошқа) – 55 тенгени ташкил қиласди.

“Тасдиқланган баҳо миқдорини оширганларга 265 100 тенгедан 530 200 тенгегача миқдорда жарима солинади”, деб хабар беради шаҳар прокуратураси.

ҚозАхборот.

## ТЕЗКОР АҲБОРОТ

2020 йил 8 апрелдағи визият бўйича вилоятида коронавирус инфекциясини юқтирилган фуқаролар – 33 нафарга етиди.

2018 йилги аристлик гўдак, Кентов шахрининг 1982 йил, 2003 йил, 2005 йилги фуқароларидан олинган анализ натижалари бўйича уларнинг вирус юқтирганлиги аниқланди. Улар Шимкентга Нур-Султан йўналишидаги 076 поездда келган жетисайлик фуқаро билан алоқада бўлган беморларнинг яқин қариндошлари.

Сўнгги маълумотларга кўра, 1990 йилда туғилган Жетисай шаҳри фу-



кароси ҳам коронавирус билан хасталанган бемор билан алоқада бўлган.

Вилоят бўйича жами Жетисайда – 13, Кентовда – 5, Ўрдабошида – 1, Сайрамда – 2, Мақтааралда – 4, Арисда – 6, Сариоғочда – 1 фуқаро коронавирус касаллигини юқтириган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Жанубий Қозғыстонда 1 апрелдан бошлап ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларига чекланган чакана савдо нархи жорий қилинди.

Чунончи, биринчи навли бўғдой унидан тайёрланган ноннинг баҳоси – 150 тенге, биринчи навли бўғдой унининг килоси – 197 тенге, қадоқланган утра – 230 тенге, қадоқланган арпа ёрмаси(дон) – 339 тенге, тозаланган ва қадоқланган гуруч – 307 тенге, мол гўшти (суякли) – 2113 тенге, товук тухуми (10 дона биринчи нав) – 351 тенге, кунгабоқар мойи – 451 тенге, ош тузи (“Экстра”дан бошқа) – 55 тенгени ташкил қиласди.

“Тасдиқланган баҳо миқдорини оширганларга 265 100 тенгедан 530 200 тенгегача миқдорда жарима солинади”, деб хабар беради шаҳар прокуратураси.

ҚозАхборот.

## Қурилиш иншоотлари – ҳоким назоратида

Вилоят ҳокими Үмирзақ Шүкейев Туркистанда жадал суръатда олиб борилаётган қатор қурилиш иншоотларни оралаб, элдаги фавқулодда вазиятга доир тегишли талаб ва эҳтиёт чораларининг қатъий сақланишини текшириди.

Үмирзақ Естайули Туркистаннинг жавоҳирига айланадиган асосий лойиҳалардан бири – «Карвон йўли» мажмуаси қурилишига борди. Шаҳардаги Бекзат Саттарханов кўчаси бўйида жойлашган кўламдор истироҳат боғини ободонлаштириши ишларини текшириди. Унда иш режасига мувофиқ сугориши, дренаж тизимларини юритиши, фавворалар ўрнатиш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Очик осмон остида жойлашган бўғда очик бассейн, фаввора қурилиши қизғин давом этмоқда. Жаҳон андазаларига мослаб қурилаётган ушбу мажмуда аҳолининг севимли ҳордиқ масканига айланиши аниқ.

Шаҳарнинг маънавий марказида жойлашган илмий-оммабоп кутубхонада ташқи пардозлаш ишлари юритилмоқда.



Вилоят ҳокими Ақтўбе вилоятининг тухфаси сифатида қурилаётган драма театри қурилиши билан ҳам танишиди. Қад кўтараётган ушбу маданият маскани 510 одамга мўлжалланган.

Үмирзақ Естайули қурилиш иншоотлари раҳбарларига ишчиларнинг эҳтиёт чораларига қатъий амал қилишларини, юртимиздаги ФВга боғлиқ тасдиқланган барча талабларни сақлашларини топшириди.

Шаҳардаги Х. А. Яссавий

музейининг ташқи кўриниши ўзгартирилиб, ички деворлари қайта ишланмоқда.

Мақбаранинг атрофини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари доирасида ландшафт дизайнинг алоҳида эътибор қаратилган. Келажакда бу жойлар қадимиш шаҳарнинг қиёфаси сақланган, алвон гулларга бурканган яшил минтақага айланади.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**



тадбиркор.

“Биз биргамиз!” акцияси бўйича вилоятнинг туман, шаҳарларида 2 мингдан зиёд оиласа озиқ-овқат, гигиена ва тиббий буюмлар тарқатилмоқда. Бу вазифани амалга оширилмоқда. Нуришга Nur Otan партияси филиалларининг вакиллари, ёш отан-чилар ҳамда кўнгиллилар жалб этилган.

**Nur Otan партияси вилоят филиалининг матбуот хизмати.**



Вилоятимизда Nur Otan партияси йўлга қўйган “Биз биргамиз!” акцияси давом этмоқда.

Корнавирусга қарши курашни кучайтириш,

эҳтиёжмандларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадидаги акцияда минтақадаги тадбиркорлар, маслаҳат депутатлари ва ҳомийлар жонбозлик кўрсатишмоқда.

Одамийлик ва олижаноблик синалаётган бир пайтда таниқли тадбиркор, меценат Рашкул Ўспаналиева “Туркистан” ижтимоий-корпоратив ривожланиш жамғармасига 25 млн. тенге ажратиб, алоҳида жонкуярлик кўрсатди.

“Береке-А” корпо-

рациясининг раҳбари Рашкул Ўспаналиева бунга қадар ҳам хайрия тадбирлари билан танилган аёл.

– Давлат томонидан инфекцияни таратмаслик, элнинг саломатлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида мажмудавий ишлар амалга оширилмоқда. Бу қийин даврда ҳар бир инсон жамиятга қўлидан келганча ёрдам кўрсатиши керак, деб ҳисоблайман. Хавфсизлик қоидаларини сақласак, бу қийинчиликдан чиқиб оламиз, – дейди

**Вилоят маслаҳатида**

**Олтинчи чақириқ Туркистан вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари қирқ еттинчи сессияси тўғрисида**

2001 йил 23 январдаги Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида” Қозоғистон Республикаси Қонунининг 10-модда 2-бандига мувофиқ 2020 йил 3 апрель куни соат 11.00да олтинчи чақириқ Туркистан вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари қирқ еттинчи сессияси чақирилди.

COVID-19 коронавирус инфекцияси туфайли вужудга келган вазият ҳамда Қозоғистон ҳудудида фавқулодда вазиятнинг жорий этилиши муносабати билан Туркистан вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари қирқ еттинчи сессиясини масоғадан ишлаш тартибида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Сессия кун тартибига биттагина масала кирилди: Туркистан вилоят маслаҳатининг 2019 йил 9 декабрдаги №44/472-VI-сонли “2020-2022 йилларга мўлжалланган вилоят бюджети тўғрисида” қарорига ўзгаришлар ва қўшимчалар кириши тўғрисида.

Депутатлар томонидан ушбу масала масоғадан ишлаш тартибида кўриб чиқилиб, пухталанди ва натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

## КУЧЛИ ЁҒИНГАРЧИЛИК КУТИЛМОҚДА

Ўлкамизга баҳор келса-да, қишининг аёзи бизни тарқ этгиси келмаётганга ўхшайди. Куни кечада алвон бўлиб очилиб турган полалар бугун қорли изғирин остида қолди. Шундай бўлса ҳам, Аллоҳнинг ҳар бир кунига шукроналик билдирамиз. Чунки ёғингарчиликда ҳам хайр бордир.

Шундай қилиб, Қозоғистоннинг бир неча минтақасида ҳавонинг совутиши ҳақида огоҳлантириш эълон қилинди.

Жумладан, 8-9 апрель кунлари кечаси ва эрталаб Туркистан вилоятининг баъзи бир минтақаларида кучли ёғнир ёғади. Туман коплайди. Шимоли-ғарбдан эсган шамол кучи 15-20 м/с, 9-10 апрель кунлари кечаси ҳаво ҳарорати 0-5 даражагача совуқ, жанубда + 3 даражагача пасаяди. Туркистан шаҳрида тунги ҳарорат - 0-2 даражагача пасаяди.

Бугун Шимкент шаҳрида кечаси ва эрталаб кучли ёғингарчилик (ёғнир, қор) кутилмоқда. 9-10 апрель кунлари кечаси ҳаво ҳарорати 0-2 даражагача совутади.

## ВИЛОЯТДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ТЎХТАМАЙДИ

Туркистан вилоятида қурилиш иншоотларидаги ишлар давом эттирилади. Қурувчилар тегишли хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилган ҳолда ишлашмоқда. Буни Туркистан шахридан қатор қурилиш майдонларини оралаб, бажарилаётган ишлар билан танишиб чиққан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Айтмуҳаметов маълум қилди.

– Фавқулодда ҳолатга доир вилоятнинг бош санитар шифокори қўшимча чекловларни белгилади. Бироқ, бу қурилиш ишларига ҳеч қандай тўйсик бўлолмайди. Барча қурувчиларга иш давомида тегишли хавфсизлик чораларига қатъий риоя этиш талаблари кўйилмоқда. Бугунги кунга қадар ҳеч қандай муаммо юз бергани йўқ. Ҳаммаси рисоладагидек амалга оширилмоқда, – деди Қ. Қайратлиев.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари айни кунда қатор қурилиш материаллари Шимкент шаҳридан олиб келинишини ва шу туфайли бирор майдонларини оралаб, бажарилаётган ишларни таъминланган. Ишчилар бир-бирига яқинлашмай, маълум масоғада туриб ишлашади. Бундан ташқари қурилиш иншоотлари ҳудудида Covid-19 вирусидан сақланиш услублари ёзилган огоҳлантирувчи плакатлар илиб қўйилан.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

## ВИЛОЯТИМИЗДА ОНЛАЙН ЎҚИТИШ ТИЗИМИ ТЎХТАТИЛДИ

Чекка қишлоқларда Интернет сифати паст бўлгани сабабли Туркистан вилоятда онлайн ўқитиш тизими тўхтатилди. Шунга мувофиқ, масоғадан таълим жараёни “Балапан”, “Еларна”, “Онгустик” телеканаллари, “Қазак радиоси” ва “Қазпошта” ҲЖ ёрдамида амалга оширилди. Буни вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси раҳбари Ракимбек Жўлаев маълум қилди.

Унинг айтишича, бугунги кунда таълимнинг янги лойиҳасига тайёргарлик ишлари қизғин юритилмоқда.

– Бугунги кунда вилоятдағи 909та таълим муассасасида 488182 ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларнинг 80 фоизи қишлоқ жойларда ўқиди. 124 минг ўқувчи сифатли Интернет тармоғига эга. 121 минг ўқувчининг эса компютери йўқ. Компютерлар билан таъминлаш учун мактаблардаги 29 мингта компютер ва ноутбук шахсий жавобгарлиги остида ўқитувчи ва ўқувчиларга тарқатиб берилди. Лекин 9 мингга якин ўқитувчи компютер, 11 минг нафар ўқитувчи эса сифатли Интернет тармоғига эга эмас, – деди Ракимбек Қуатбекули.

Умуман олганда, вилоятдағи 429943 ўқувчи “Балапан”, “Еларна”, “Онгустик” телеканалларидан фойдалана олади. Лекин у орқали билим олиш мажбурий эмас.

Таъкидлаш жоизки, Арис шаҳридаги ўқувчилар сони 5-80 нафар бўлган 9та мактабда дарслар аввалгидек ўтилаверади. Санитария-эпидемиология талабларига мувофиқ, дарслар 30 дақиқага қисқартирилган ва икки сменада юритилади. Танаффусда хоналар шамоллатилиб, хавфсизлик чоралари сақланади.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

## ЎҚУВЧИЛАР ЯМТГА ОНЛАЙН-РЕЖИМДА ТАЙЁРЛАНИШАДИ

Мамлакатдаги фавқулодда вазият муносабати билан Туркистан вилоятдаги мактаблар битириувчилари ЯМТ синовига уйдан чиқмай, онлайн-режимда тайёрланишиади. Ҳозирги кунда бу борада тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси ва “Ontustik” телевидениеси ҳамда инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси биргаликда йўлга қўйган янги лойиҳа 6 апрелдан бошлаб амалга оширилди. Онлайн дарсда минтақанинг энг яхши устозлари дарс ўтади. Ҳар бир дарс 20-30 дақиқа ўтилади. Шу вақт оралиғида онлайн ўқув дастурига мувофиқ устозлар 2-3 топшириқни тушунтириб ўтишади. Ҳар куни икки фан бўйича дарс ўтилади, деб режаланмоқда.

Айтганча, онлайн дарслар 11-синф ўқув дастурига асосланган.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

# Аҳоли саломатлиги – бош мезон

Туркистон вилояти Полиция департаментининг раҳбари Қ. Даубеков вилоят худудидаги чеклов ҳақида фуқароларга тушунтириш мақсадида блок-постларга борди.

Юртимизда фавқулодда вазият жорий этилиши муносабати билан Туркистон вилоят полиция департаментининг шахсий таркиби кучайтирилган режимга кўчди. Коронавирусли инфекциянинг олдини олиш мақсадида вилоятда 76та блок-пост ўрнатилиб, уларда кечакундуз шифокорлар ва полициячилар ишламоқда. Шунингдек, иккита блок-пост республика аҳамиятидаги автойўлларга ўрнатилган.

Полиция ходимлари автотранспорт оқимини, шифокорлар – ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг соғлигини назорат қилишмоқда.

– Полициячилар фавқулодда вазият режими бузилишининг олдини олиш, жамоат тартибини бузган фуқароларни жа-



вобгарликка тортиш, жиноятчиликка йўл қўймаслик ва аҳоли ҳавфисизлигини таъминлаш каби ишларни бажаришмоқда. Фавқулодда ҳолат жорий этилгандан бўён ходимларимиз томонидан 84 нафар тартиббузар маъмурий жавобгарликка тортилди. Вилоят фуқароларини чеклов чораларига масъулият билан эътибор қаратиш ва фавқулодда ҳолат талабларига қатъий риоя қилишга даъват қиласман, –

деди Қ. Даубеков.

Туркистон вилоят полиция департаментининг ходимлари ёлғон ахборот тарқатилган 9та ҳолатни аниқлашди. Уларнинг барчаси ўз вақтида очилиб, гумондор шахслар КР ЖКнинг 274-моддаси бўйича жавобгарликка тортилди.

**Туркистон  
вилояти ҳокимининг  
матбуот хизмати.**

Тиббиёт муассасалари – Жетисай туманининг обсервация маркази, Жетисай туман марказий шифохонасининг юқумли касалликлар госпитали, Ленгер шаҳар шифохонасининг юқумли касалликлар госпитали карантинга ёпилди.

Жетисай тумани, Жана овул қишлоғи, Абдихаликов аҳоли манзили, Ақберген кўчасидаги 41-үй, Жетисай шаҳри, А. Байтурсинов кўчасидаги, 67/3-үй, Жетисай шаҳри, Ерубаев кўчасидаги, 5/3-үй, Зта кўча – Мақтаарап тумани, Атакент аҳоли манзилидаги Н. Тўреқулов-А. Пушкин, Н. Тўреқулов-Желтўксан, Ф. Муратбаев-А. Пушкин кўчалари карантинга ёпилди.

**Вилоят минтақавий  
коммуникациялар хизмати.**

Туркистон вилоятида чеклов чораларини жорий қилиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ, 1та туман, 6та аҳоли манзили, 2та тиббиёт муассасаси ва Зта уйда чеклов чоралари жорий этилди. Булар: Жетисай тумани, 6та аҳоли манзили – Ўрдабоши туманинг Бадам, Дербес аҳоли манзилари, Сариоғоч туманинг Енкес аҳоли манзили, Сайрам туманинг Кўсбулақ ва Хонқўрон овуллари, Арис шаҳридаги Науриз аҳоли манзили.

## ВИЛОЯТИМИЗДА КАРАНТИНГА ЁПИЛГАН АҲОЛИ МАНЗИЛЛАРИ



Фавқулодда вазият режими пайтида алоқа соҳасида фаолият юритаётган баъзи операторлар ўз абонентларига имтиёзлар яратишига қарор қилишди. Жумладан, кўшимча ҳақ тўламасдан, ҳатто минус балансдан бўлса-да, интернет-захиралардан фойдаланиш мумкин. Қозоғистон фуқароларе ушбу таклифларга оид маълумотларни ўз алоқа операторларидан билиб олишлари мумкин.

Мамлакат Президентининг бу борадаги топшириғига кўра, аҳолини ФВ пайтида кўллаб-куватлаш учун мамлакатдаги йирик операторлар сайларга бепул киришни йўлга қўйиши. Хусусан, "Қазақтелеком" ҲЖ, "Транстелеком" ҲЖ, "Astel" ҲЖ, "Кар-Тел" МЧБ, "Кселл" ҲЖ, "Мобайл Телеком-Сервис" МЧБ ОЎЮ сайларига бепул кириш, Таълим ва фан вазирлиги тавсия этган электрон маълумот базалари, онлайн-кундакилар,

электрон таълим порталлари ва бошқа таълим захираларидан бепул фойдаланиш имконини тақдим этди.

Хозирги кунда трафик ҳисобга олинмайди ва мегабайтлар ҳам ҳисобдан чиқарилмайди. Шунингдек, бу тартиб коронавируснинг расмий веб-сайтига кирганда ёки eGov Mobile иловасидан фойдаланганда ҳам сақланади.

Тиббиёт ходимларини кўллаб-куватлаш учун эпидемияни бартараф этишда курашайтган барча шифокорлар учун алоқа бепул бўлди.

Бугунги кунда Фавқулодда вазиятга сафарбар этилган 20 000дан зиёд тиббиёт ходими алоқа ва интернетнинг бепул пакетларини олди.

Эпидемиологик аҳвол бўйича фуқароларни боҳабар этиш мақсадида алоқа операторлари 1406 call-марказига уяли телефонлардан қўнғирокни бепул қилишди. "Қазақтелеком" ва "Транстелеком" ФВ пайтида хиз-

матлари учун қарзи бор фуқароларнинг телефонларини ўчирмасликка қарор қилди.

Нафақадорлар ва ногиронлар ижтимоий тариф бўйича абонентлар ҳисобланади. "Кар-Тел" МЧБ ФВ пайтида уларга алоқанинг барча турларидан бепул фойдаланиш имконини берди. Юртимиздаги барча операторлар роумингдаги бонус балансда бўлган ўз абонентларига бепул интернет-трафикни тақдим этишиди.

Тадбиркорларни бундай қалтис шароитда қўллаб-куватлаш учун маҳсус тариф ишлаб чиқиб, интернет хизматлари, видеокузват (карантинда ёпиб қўйилган бизнес иншоотларини масофадан кузатиш имконияти) учун имтиёзлар яратиши.

Айтганча, бугунги кунда барча операторлар кучайтирилган тартибда ишламоқда.

**Н. МАВЛОНОВА.**

**НАСИҲАТЛАР**



### ҮН БЕШИНЧИ СЎЗ

Менинг назаримда, ақлли киши билан ақлсиз кишини ажратиб турадиган битта нарса бор. Авваламбор, бандаси яратилгандан кейин, дунёдаги мавжуд нарсаларга қизиқмай иложи ўйқ. Худди ана шу пайт унинг умрида энг қизиқ дәвери бўлиб эсида қолади. Шунда ақлли одам келгусида нафи тегадиган бир ишга меҳр қўйиб, ихлос билан ёпишар экан-у, бир кун унинг ана шу қизиқдан нарсаси ўзининг севган касбига айланниб, кунига яраб, кўз кўрадиган, кулоқ эшигадиган, кўнгил севадиган бўларкан. Ниҳоят, шундай ўтган умринг ўқинчи ҳам бўлмас экан.

Ақлсиз киши нимақи кўрса – шунга ҳаеас қилиб ва уларнинг бирортасини ҳам бошини тутолмай, не-не тиллага топилмайдиган умрини ит азобида хор-зорлик билан ўтказиб юборар экан-у, кейинги ўқинчидан фойда чиқмас экан. У одам ёшлигида, бу хунар бўлмаса, у хунар, деб ўзини ҳар ишга қодир сезиб, у шоҳдан бу шоҳга учиб-қўниб, гёё ёшлиги абадий тураверадигандай, белининг қуввати, қўзининг нури кетиб, қаримайдигандай кўринаркан-у, вақти келиб, тушуниб, бирор ишнинг бошини ушлайман, деганда, ёши ўтиб, кучи кетиб, қўлидан ҳеч нарса келмай қолар экан.

Кейин ҳар нарсага бир қизиқиши масаласи. Агар бирор нарсага қизиқсанг – бора-бора уни севиб қоларкансан, киши. Бир нарсани севишнинг ўзи ҳам бир дард бўларкан. Ана шу севган ишнингга, касбингга етай-етай деб турганингда, одамда қандайдир бир мастилик, мағрурлик пайдо бўларкан.

Маълумки, ҳар қандай мастилик кишининг айбини кўпроқ юзага чиқарар, кўзларини ширга бостирадар, мағрурлантириб юборар экан. Ана шундай пайтда эслик одам эсини ўйқотиб қўймай, ақл-хушини бир жойга йигиф олиб, ўз касби-корининг этагидан маҳкам ушлар экан. Эссиз, овсар кишилар эса боши айланниб, кўзи тиниб, босар-тусар жоини билмай, ҳовлиқиб, бош яланг, эгар-тўқимсиз отини қамчилайверар экан – мен шуни кўрдим.

Агарда сен ҳам ақлли кишиларнинг сафида бўлгинга келса, ҳар куни бир марта, ё ҳафтада бир марта, ҳеч бўлмаса ойида бир марта ўзингга ўзинг ҳисоб бер! Ўтган умрингни қандай ўтказибсан: на илмга, на жамиятга ва на ўзингга фойдала бирор иш қилибсанми? Ё эса қандай қилиб ўтказганлигини ўзинг ҳам сезмай қолибсанми?

### ҮН ОЛТИНЧИ СЎЗ

Қозоқлар: қилиб юрган бандачилигимни худой таоло хуш кўрадими, ўйқми, деб ўйламайди. Фақат элу юрт нима қипса – биз ҳам шуни қилиб, ыйқилиб-сурилиб, ётиб-туриб юраверсак бас, деб ўйлайди. Саевдогар ўз насия пулларини сўраб келганда баъзи бир одамлар кўзларини лўқ қилиб: «Борим шу, хўп дессанг, ола қол, бўлмаса, ўйқ нарсани сенга қаердан ўйндириб бераман?» – дейишарди. Худди шунга ўхшаб, булар ҳам Яратганини баъзан шундай саводогарга менгзамокчи бўлишади. Бирор нарсага ихлос қўйиб, фикр юритиб, машқ қилиб ўрганишмайди. «Билганим шу, қариганимда қандай қилиб ўрганай», дейди. «Менга, ўқимадинг, деб айтишмаса ҳам бўларди, тилим айланмаса нима қипай», дейишади. Нима, уларнинг тили ўзга халқларнинг тилидан бошқача қилиб яратилганми?

**Носир ФОЗИЛОВ  
таржимаси.**

## 62 мингдан зиёд ниқоб бепул тарқатилди

сатиши. Тайёр ниқоблар қишлоқ аҳолисига, мактаб ходимлари, ўқувчилар ва дорижонларга бепул тарқатилди.

Кўнгиллиларнинг саъй-харакати туфайли, туманда ниқоб танқислиги боради.

**Вилоят минтақавий  
коммуникациялар хизмати.**

**Хар куни, ҳар соатда,**  
деярли ҳар сонияда ни-  
ма билан шүгүлланасиз?  
Қизиқ савол бўлди-ку?...  
Албатта, нафас оламиз,  
ўйлаймиз, вқовқат еймиз,  
чарчаганда, ухлаймиз,  
ҳаётимизни яхшилашга  
ҳаракат қиласиз.

Ақлингизга балли! Сиздан худди шу жавобни кутган эдик. Бу ҳаракат деганлари сизни ўқиш ёки иш томон чорлабгина қолмай, вирус ва микроблар дунёси билан таниширишга ҳам улгурди. Шу сабаб, ҳар куни, ҳар соатда ва деярли ҳар сонияда миллиардлаб микроб, вируслар билан тўқнаш келамиз. Уларни ютириб олиш хавфи транспортда, овқатланиш нукталаради, савдо расталари, ўқув муассасалари каби жамоат жойларида ортади.

Шундай бўлса-да, нима учун ҳар сонияда касалликка чалинмаймиз? Негаки танамизда қўним топган бир куч бу вирусларга қарши аёвсиз кураш олиб боради. Соғлом инсон ўз танасида кечеётган бу жанглардан мутлақо бехабар. Ваҳоланки, шу тансокчимиз туфайли шу пайтгача соғомон ҳаёт кечирмоқдамиз. Унинг ўзига яраша номи ҳам бор. Кучли ҳимоячимизнинг номи – иммунитет дейилади. Бу атама лотин тилидан олинган бўлиб, *immunitas* – “халос бўлиш” деган маънени англатади. Унинг кашф қилининши рус олими Илья Мечников ва француз биологи Луи Пастерга тегишли. Иммунитет назариясини ривожлантирган Мечников 1908 йилда Нобель мукофотини олишга муваффақ бўлган.

Иммунитет биз аввал танишириган юракдан серҳаракат ва романтик, жигардек уддабуро, саховатпеша, ошқозон ости бензидек эркатой ҳам эмас. У ўз номи билан халоскор.

#### Иммунитет нега пасайди?

Бунинг учун ўзига яраша сабаблар бор.

● **Экологик шарт-шароитлар.** Айниқса, катта шаҳарларда ҳаво, сув, еринг таркибида турли зарарли моддалар, истеъмол қилаётган кўплаб маҳсулотларда кимёвий воситаларнинг кўпайиши организмни заарлайди. Аммо шарт-шароитнинг ўзи иммунитетнинг пасайишига ўз фоиз таъсир этади, деб бўлмайди. Негаки, инсон организми табиатан ҳар қандай шароитга мослашиша қодир. Қўйида маълум қилмоқчи сабабларимизда фақат экология эмас, кўпроқ ўзимиз, аниқроги, одатий яшаш тарзимиз айборд.

● **Дангасалик ва ношуқрлик.** Фан-техниканинг ривожи инсониятнинг ютуғи, албатта. Аммо қулав шароитга ўргангач, инсон тобора камрок ҳаракат қилишига, ҳаракат қилганда ҳам кўпроқ ўзининг кераксиз хоҳиш-истакларини қондиришига одатланиб қолди. Энг ёмони, ажодларимизда бўлган ажиб бир хислат – оддийлик биздек ҳар ишда илфор ва ақлли, замон билан ҳамнафас яшайдиган инсонларда деярли учрамайди. Оддийлик ўзи нима? У ўз номи билан жуда оддий. Тонг ёришмай уйғониб, тоза ҳаводан шафас олишимизга шукр қиласиз, фарзандларимизни соғ-саломат кўришдан, ҳаммаёкнинг сарыштилигидан қувонамиз, атрофдагиларга кўлдан келганча яхшилик улашамиз. Уйда бор нарсалардан мазали, шу билан бирга фойдали таом тайёрлаб, уни кўпчилик билан ҳузур қилиб еймиз, доим ҳаракатда бўлиб,

# КУЧЛИ ҲИМОЯЧИ

## ИММУНИТЕТ – БЕМИННАТ ТАНСОҚЧИМИЗ

◆ Долзарб мавзу! Ўқинг, амал қилинг!



сала билан ишга киришдингиз. Кутимаганда ўзингизда ишонч пайдо бўлди?! Ҳимоя тизимини айтмайсизми, бир қоп семиргандай хурсандлигини қаранд!

Иммунитетни қандай кучайтирамиз?

Иммун тизимини кучайтириш учун фойдали озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, доимий ҳаракатда бўлиш ва энг асосийси, чиникиш лозим. Буни бирданига амалга ошириб бўлмайди, албатта. Маслаҳатларимиз асосида, бу ишни босқичмасбосқич бажаришингиз мумкин.

1-маслаҳат. Кун давомида кўпроқ суюқлик ичинг. Негаки организмда сувсизланиш рўй бериши ҳимоя тизими ишини пасайтиради. Бунинг олдини олиш учун кун давомида 8-10 пиёла-гача суюқлик ичиш керак. Бунинг 3-4 пиёласи кўк чойга тўғри келса, қолгани газсиз минерал сув ёки оддий қайнатилган сув, ёхуд шарбатлар, гиёҳли дамламаларга тўғри келиши керак.

2-маслаҳат. Ҳимоя тизимини кучайтирувчи маҳсулотлар истеъмол қилинг. Буар сираасига исмалоқ, балиқ, асал, лимон, саримсоқпиёз, кўкпиеz, бодом, булғор қалампир, ширинмия, rawchil илдизи, ялпиз, алоэ кабилар киради.

3-маслаҳат. Бадан - тарбия билан шүгүлланинг. Ҳар куни эрталаб атиги 10 дақиқангизни бадантарбияга ажратсангиз, ҳимоя кучингизни икки баробар кучайтирган бўласиз. Буни одатга айлантирсангиз, қандоқ яхши! Чунки кўпчилик зўр иштиёқ билан бошлаган фойдали ишини иккичи бор таракорлашга эринади. Сиз бундайлардан бўлманг. 10 дақиқалик бадантарбия орқали танадан юзлаб дардларни қувинг! Айниқса, қўлларни юқорига кўтариб чўзилиш, эглиш, турган жойда юриш машқлари ҳимоя тизими учун фойдали.

4-маслаҳат. Организмни чиниктиринг. Чиниктириш қанча эрта бошланса, шунча яхши. Ҳар куни аввал иссиқ сув, 3-4 кундан кейин илик сув, 10 кундан кейин совук сувни устингиздан қуишига одатланинг. Чиниктиришни оёқлардан бошлаган афзал. Тоғорагача илик сув куйиб, 2-3 дақиқага оёқни солинг, кейин сувни бордир ва сонгача, 2-3 кундан кейин эса елка узра қуишига одатланинг.

5-маслаҳат. Кўпроқ меҳнат қилинг. Биласизми, боғ-томорка ишлари билан шүгүлланган одамнинг иммунитети мустаҳкам бўлар экан. Айниқса тик туриб бажариладиган ишлар бош миядан тортиб, ўпка, юрак, буйрак ва жигаргача, умуртқа ва оёқ тўқималаригача тетикаштирувчи таъсир ўтказиб, уларни кучайтиради. Эрталаблари тупроқ устидага ялангоёқ юриш ҳам иммун тизимни кучайтиришга хизмат қиласиди. Кун давомида турли дамламалар ичсангиз, организм тозаланиб, янада тезроқ қувватга киради.

Соғлигимизнинг қадрига етиб, уни асрайлар, азизлар!

“ШИФО-инфо”дан.



хушхўр таом таркибида тегишили! Бу маҳсулотларга кўплаб кимёвий моддалар қўшилгани сабабли, уларни кўп истеъмол қилиш организмда канцероген моддаларнинг тўпланишига олиб келади. Мазкур моддалар тана-даги саратон билан курашувчи хужайраларни ишдан чиқаради. Ба шу билан одамнинг оғир касалликларга мойиллигини оширади. Бундай бўлмаслиги учун имкон қадар табиий маҳсулотлар (уй шароитида ивитилган қатиқ, творог, сузма), кўпроқ ўзимизда этишириладиган мева-сабзавотлар, кўкатларни истеъмол қилиш керак.

Шириналлик ва газли ичимликларни хуш кўриш.

Шириналлик таркибидаги глюкоза моддаси иштаҳа очувчи, организмга қувват берувчи таъсирга эга. Аммо улар меъердан ошса, акс таъсир ўтказа бошлайди. Мисол учун, нонуштада чойга 1-2 чой қошиқда шакар соласиз. Бир ўтиришида 12 чой қошиқ шакар кўшилган сувни ича оласизми? Албатта, йўқ. Лекин бир пиёла кола ёки бошқа газли ичимлиқда айнан шундай шакар бор-да! Колани маза қилиб симирағётган пайтингизда иммун тизим ишини нақ 60 фоизга қисқартирасиз. Бир зумда ичиб ултурган колангиз ҳимоя тизимингизни бир неча соат ишдан чиқаришга

ларни ютишга мослашади. Агар овқатланишнинг чорак қисми кўкат ва хом мева-сабзавотлар ейишга тўғри келса, флагоцитлар фаолияти янада кучайиб, ҳимоя тизими қувватга киради. Иммун тизимингиз ҳимояга шай! Бу организмга жуда ёқади: ташки кўринишинг ўзгаради, ёшарасиз, аввал киста, миома, адено-малардан қўйналсангиз, ҳимоя тизимингиз уларни тинчтимай, буткул йўқолгунча курашади. Бу ўзгаришларнинг замирида биргина нарса – нафси тийиш ётибди. Танланаш сиздан, ўргилай!

● **Витамин ва минераллар танқислиги.** Танада рух, селен, магний минераллари етишмас, киши асабий, тез чарчайдиган, хотираси панд берадиган, тे-рисига турли тошма тошадиган бўлиб қолади. Кальций, калий, фосфор, йод – бу ёрдамчилариз с организм тобора ҳолдан тояди, суюқ ва мушак тўқимаси мўртлашиб, касалликларга тез-тез чалинаведари. Организмни қувватлаш мақсадида витамин-минералларни хом мева-сабзавотлардан оламиз. Уларни салат кўринишида кўп-кўп ейишга одатланамиз.

● **Антибиотик дорилар.** Немис тадқиқотчи олимларнинг изланишлари антибиотиклар қабули иммун тизимини 50-75 фоизга камайтиришини исбот-

лом турмуш тарзига амал қилган бўласиз.

● **Аччиқ чой, қаҳва, тамаки, спиртли ичимликларга ружу кўйиш.** Бу тўртлик одамни ўзгаририб кўйиши турган гап. Тамаки таркибидаги никотин заарли моддаларни жамлаб, иммун тизимины пасайтиради ва шу билан саратон хасталикларига йўл очиб беради. Аччиқ қаҳва, куюқ қора чой, пиво, спиртли ичимликларнинг доимий таъсирида организмдаги барча аъзолар кучли шок ҳолатга тушади. Бора-бора жигар, ошқозон ости бези ишдан чиқиб, хавфли касалликлар ривожланади.

● **Негативизм. Бу – салбий кечинмаларни ўзида жамлаш, уларни қалбда йигиб юриш дегани.** Тирик жон борки, бу ҳиссиятларни сезиши мумкин. Муаммо олдида ожизлики сезиши, хафалик, безовталик, айбдорлик ва ишончизлик ҳислари организмни стресс гормонлари ишлаб чиқаришга ундайди. Улар эса иммун тизимини тубдан парчалашга тушади. Бундай бўлмаслиги учун ақлни ёрдамга чакиринг. Ақл жуда фаросатли-да, ўзи билан доим вазминлик, ҳафсалани олиб юради. Бу ҳислар билан ташвишни енгизингиз, ҳа-

● Обуначиларимиз орасида

# ИРИСҚУЛ АКАНИНГ ИБРАТИ

Эски Иқон қишлоғида истикомат құлувчи нуроний ёшдагы Ирисқул ақа Аббосов(тасвирда) ҳар обуна мавсумида 12 нафар ҳамқишлоғиң «Жанубий Қозоғистон» газетасига Ѽздидради. Вилоят оқсоқоллар кенгашы ҳайъат аъзосы, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги оқсоқоллар кенгашы раиси сифатида баражадын жамоат ишлери ҳам оз эмас. Қозоғистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси кўп хайрли ишларда фаол. Мулоқотимиз апрель ойининг дастлабки ўн кунлигига ўтди.



● Миришкор маслаҳати



## ЭКИШДАН ОЛДИН САБЗАВОТ УРУҒЛАРИНИ ҮЙ ШАРОИТИДА САРАЛАШ УСУЛИ

1 литрли шиша банка олиб, әкіладын сабзавот уруғлары солинади. Үнга 70 фоиз сув қўйилади, устидан 2 чой қошиқ ош тузи солиб аралаштирилади. Тайёр бўлган аралашма 10 дақика давомида тиндирилади. Шунда идиш остига чўккан уруғларниң униб чиқиши миқдори 99 фоизни ташкил қиласи, демак, улар әклиши мумкин. Сув устига чиқкан уруғларни эса, алоҳида экиш тавсия қилинади.

Фойдалы маслаҳатлар

- Бодринг урганин үндириб, намланган ёғоч опилкасига экинг, чунки бу экологик тоза ва хавфсиз муҳитни вужудга келтиради. Кўчатлар униб чиққандан сўнг тувақчаларга кўчирни олаөрасиз.
- Помидор кўчатларини тезроқ ўсиши учун йод аралашмаси билан бир марта сугоринг. Бунда 1 томчи йод 3 литр сувга аралаштирилади.
- Кўлупнай экиладиган тупроқ бир неча марта чопилиши, юшшатилиши шарт. Бу илдиз тизимиға ҳаво етиб боришини яхшилади ва микробиологик жараёнларни кучайтиради.
- Мевали дараҳтлардаги ўсимлик битлари(шираплар) га қарши химиявий препаратлар кўллашга шошилманг. Оддий хўжалик совунидан 250 грамм майдалаб, 10 литр сувга аралаштириб, сепинг. Натижага баҳо берасиз.
- Баҳор ёз ойларидаги бодринг гибриддининг гуллари бехато ва тезроқ чаналаниши учун 1 чой қошиқ шакарни 1 литр сувга аралаштириб, барг ва гулларига селиб чиқинг. Бу бодринг гулларига асаларини чақиради.

## САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ АЛМАШЛАБ ЭКИШ ҚОИДАЛАРИ

- 1. КАРТОШКА**  
Экиш мумкин эмас: помидор, қалампирдан кейин.  
Экиш мумкин: бодринг, карамдан кейин.
- 2. САБЗИ**  
Экиш мумкин: картошка, помидордан кейин.
- 3. ЛАВЛАГИ**  
Экиш мумкин: пиёз, картошка, бодрингдан кейин.
- 4. ПОМИДОР**  
Экиш мумкин эмас: картошкадан кейин.  
Экиш мумкин: эртаги карам, бодрингдан кейин
- 5. БОДРИНГ**  
Экиш мумкин эмас: кабачок, ошқовоқдан кейин.  
Экиш мумкин: эртаги карам, пиёз, картошкадан кейин.
- 6. КАРАМ**  
Экиш мумкин эмас: редиска, шолғомдан кейин.
- 7. БАҚЛАЖОН**  
Экиш мумкин эмас: қалампир, помидордан кейин.
- 8. ШИРИН ҚАЛАМПИР**  
Экиш мумкин эмас: ошқовоқ, бақлажондан кейин.
- 9. САРИМСОҚПЕЙЗ**  
Экиш мумкин: помидор, бодрингдан кейин.

– Узоқ йиллар қишлоқдаги ташкилотларда раҳбар лавозимларда меҳнат қилған инсон сифатида бугунги карантин тадбирларига муносабатингизни билдирисангиз.

– Давлатимиз, ҳукуматимиз юқумли хасталикнинг олдини олиш юзасидан аниқ ва кўламдор тадбирларни амалга ошираётгани, карантин чораларини белгилаб, аҳолини моддий кўллаб-куватлаётганини таъкидлаш даркор. Европанинга тараққий этган давлатларига нисбатан биздаги аҳвол кўп маҳората яхши эканлиги фикримнинг далилидир.

– Умр йўлдошингиз, ортида нурли хотира қолдирган, 68 ёшида оламдан ўтган Майса Мамаддин қизига атаб хотами қуръон тадбирини ўтказишга тайёргарлик кўраётгандингиз...

– Иш боши интизом, деган нақл бор. Уч йил муқаддам, 2017

йили 9 апрель куни оламдан ўтган умр йўлдошим ҳаётимда умрбод муҳрланиб қолади. 5 нафар ўғилни вояға етказдик, яхши ниятлар билан ўйлантириб, келинлар туширдик. 13 невара 5 эвра кўрдик. Яратганга минг карра шукур. Оиласиз сохибаси хотираси барчамизга муқаддас.

Тўгри, кўпчилик билан ўтадиган хотми қуръон режада бор эди. Вазиятни тўгри тушуниб, тўгри баҳоладик. Умр йўлдошим хотираси багишиланган тадбирни оиласиз, яхни фарзандлар даврасида бугунги кун табаги мувоғик ихчамгина ўтказдик. Масжида ўқилиши жоиз намозни ҳам уйда бажармоқдамиз. Бу вақтингчалик чора. Сабротқат ва талабга тўлиқ риоя қилинса, давлат томонидан талаб қилинётган қоидаларга ҳурмат билан қарасак ва амал қилсак, албатта хасталик хавфи чекинишига ишончим комил.

– «Жанубий Қозоғистон»

рўзномаси ҳақида фикрларингиз...

– Қозоғистон Мустақиллигининг тендоши бўлган, она тилимиздаги табаррук нашрга ҳар бир ўзбек хонадони обуна бўлиши керак. Давлатимизга раҳмат, биз ўзбеклар учун шу газетан чоп этмоқда. Ҳурматли ҳамқишлоғимиз, Қозоғистон Олий Кенгаши депутати Эркин Аббосов ҳам ушбу нашр очилишида кўп хизматлар қилганлигини кўпчилик яхши билади. Демоқчиманки, тинчлик, тотувлик ва тараққиётни тараннум этувчи, халқимизнинг асосий минбари саналадиган, осонликча бунёд этилмаган бу нашрни асрар, кейинги авлодларга етказиш сиз ва биз яшаётган жамият аъзоларининг муқаддас бурчидир.

– Суҳбатингиз учун ташаккур.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Дорихоналарда сотиладиган оддий йод томчилари кўпчилик сабзавотларнинг чириш хавфини камайтирибни қолмай, уларнинг ривожланишида, меваларнинг йириклишида муҳим ўрин тутади.

Ҳар 10 кунда 2-3 марта 10л сувга 8-10 томчи йод аралашмаси билан қулупнайга (гуллаш олдидан) баргидан ишлов берилиши уни кулранг чиришдан саклайди

ва иммун тизимини оширади. Зл сувга 1 томчи йод аралашмасининг помидор кўчатларига сепилиши уларнинг келажакдаги ҳосилдорлигига катта фойда беради. Иссикхоналарга экилгандан сўнг, илдизидан берилиш дозаси эса, ҳар бир кўчат остига 1 литр.



## «КАЛИЙ ГУМАТИ» ПРЕПАРАТИНИ ТЎГРИ ҚЎЛЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Илдиз тизимидан озиқлантириш:

Ҳар бир дараҳт ёки бута тагига 1-2 ош қошиқ миқдорида (6-12г) сепиб чиқиб, кўпроқ сув қўйилади. Сабзавотларга эса, ҳар бир туптагига 1 чой қошиқдан сепиб, суғорилади.

Илдиздан ташқари озиқлантириш:

Бунинг учун 10л сувга 1,5г миқдорида эритилиб, 1 кв.м майдонга 2л миқдорида пуркалади.

Кузда барча дараҳт ва буталарнинг совуққа чидамини ошириш учун 1 чой қошиқ препаратни 10л сувга аралаштириб, пуркаш тавсия этилади.

Уруғларни намлаб олиш: препаратнинг 0,5 граммини 1л сувда эритиб, уруғлар солинади, униб чиқиши бошлангунча сақланади.

Тупроқса ишлов: ерни чопишдан аввал 15-20 кв.м майдонга 75г ҳисобида препарат сепиб чиқилади.


Ўсимликларга ишлов бериш:

Препаратнинг 1 чой қошигини (3г) 10л сувда эритиб, 1 кв.м майдонга 4-5л ҳисобидан суғорилади. Сабзавот ва гул кўчатларини уруғ сепилгандан ёки уруғлар униб чиққандан сўнг суғориш мумкин. Кўчат ўтқазилган тақдирда эса, ҳар 10-14 кунда суғорилади.

## МУЛЧАЛАШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Мулчалаш тупроқ юзасини похол, торф, чиринди, гўнг ва бошқалар билан ёппасига ёки қатор оралатиб ёпишдир.

Мулчалаш ўсимликнинг ўсиш шароитига ижобий таъсир этади; тупроқдан намнинг буғланишини камайтиради, ер бетини сув ювиб кетиши ва шамол учиреб кетишидан ҳимоя қиласи, тупроқ структурасини сақлаш ва яхшилаш имконини беради, унда кечадиган биохимёвий фойдали жараёнларни кучайтиради; натижада ўсимликнинг озиқланиши яхшиланади, ер бетини қатқалоқ босишидан сақлайди. Мулчалаш кучли шамол эрозияси кузатиладиган ерларда чекланган майдонларда қўлланади. Қолаверса, мулчалаш бегона ўтларнинг чиқишига қарши курашда ҳам яхши самара беради. Мулчалаш тупроқни бевосита қўёшнинг жазирама нурларидан асрар учун зарур.



## ИССИҚХОНАДА ПОМИДОР ХОМТОКЛАРИДАН КЎЧАТ ТАЙЁРЛАШ

Иссикхонада етиштираётган помидор хомтокларини ташлаб юбормай, бўйи 8 см.дан 20 см.гача ўсимталарни бўйига қараб ажратиб, оддиндан компостли тувакча ёки стаканчаларга экиш олдидан кесилган томони ўткир қайчи ёрдамида текисланади. Кейин улар гетероауксин ёки корневин препаратларидан бирининг сувдаги эритмасига 5 соат давомида солиб қўйилади. Кейинги босқичда хомтокларнинг бўйига мослаб 2 ёки 3та алоҳида қаторлардаги тувакчаларга экиб, ортидан плёнка ёпилади. 3-4 кун давомида герметик жараёндан ўтказиб, 5-кундан бошлаб, 1-2 соатдан, 8-9 кундан эса, кундузи тўла шамоллатиб борилади.

Хомток кўчатлар уруғдан тайёрланган кўчатларга нисбатан 40-50 фоиз ҳосилдор бўлади, сабаби, уларда ўқ илдиз бўлмайди, фақат попук илдиз яхши ривожлангани учун озуқани кўпроқ олади, кўчатлар бақувват, мевалар йирикроқ бўлади.



AGROBLOGER канали.


## ТУРКИСТОНГА – ЗИЁРАТГА

Зиёратга келдингми меҳмон,  
Узоқ йўлдан ҳориб, соғ, омон.  
Қабул этгай ниятинг эгам,  
Келиб турғил яна биз томон.  
Яссавийда ажаб бир сир бор,  
Ҳар кун тонгда у этар тақорор.  
Суннатин ўқиб, ғойиб бўлиб,  
Фарзин Маккада адо этар.  
Пахтага ўраб қизил чўғни,  
Мот қилган экан Эрон шоҳин.  
Сўнгра у тинглаган экан,  
Шайхлар султони бобо оҳин.  
Дардисиз ҳеч ҳам бўлмайди инсон,  
Келган топар дардига малҳам.  
Берфарзандга фарзанд бағишлар,  
Тангрим билан сирдошдир ҳардам.  
Шоҳу гадоми, эгиб келар бош.  
Аєлиёлар султони бобом,  
Зиёратдан қуруқ қайтмайди,  
Ихлос қўйиб келса ҳар одам.  
Хикматларин ҳаётда кўплар,

Пир тутишиган Амир Темур ҳам.  
Улуғларни ошга чақириб,  
Иzzat-хурмат қилганлар ҳар дам.  
Аллоҳ номини зикр қилишган,  
Нафаслари кетмаган бекор.  
Меҳмонларга тўрдан жой бериб,  
Муҳаббатин этгандир изҳор.  
Муслимликнинг олий ҳиммати,  
Ўзгаларга бермайди озор.  
Ҳақ ўлуғига бўлинг – парвона,  
Айтуб қўйиб асло бўлмас хор.  
Бу шеъримни ўқиган чоғда,  
Боболарга айланг тиловат.  
Бу оламни яратган тангрим,  
Сизга ҳам баҳт келтирур албат.

\* \* \*

Озод элнинг озод фарзанди,  
Ватанига содиқдир доим.  
Тилакларинг амалга ошар,  
Сени доим қўллар Худойим.



### САМОВАР

– Қизим, меҳмон көлади,  
Қўйиб қўйдим самовар.  
Қайнаб, тошиб кетмасин,  
Қараб тургин, Санобар!  
– Ойижон самоварга,  
Сув қўймабсиз тўлдириб.  
Қайнайвериб бечора,  
Қолидику бечора.



### ЎРМОН БОҒБОНИ КИМ?

Тоғ усти қалин ўрмон,  
Айтинг, бобо, ким эккан?  
Боғ яратиш осонмас  
Билмам, қанча куч тўйкан.  
Кўл етмас сарҳадларни  
Безаб турар арча, тол.  
Ким экканин билмайин,  
Туриб колдим бўлиб лол.  
Ўтин, мева теришиб,  
Тоғдан тушар кўшилар ,  
– Тоғ боғбони ким? – десам,  
– Қушлар, – дея кулишар.  
– Айтганлари рост, болам,  
Хақиқат, эмас миши-миш.  
Раҳм қилмайин баъзилар  
Қопқон қўйиб ушлармиш.  
Бузилмасин қуш ини  
Қушлар – тинчлик гарови.  
Озор берса, ким агар,  
Ўша қушларнинг ёви.  
Тоғ бағрида қушлар кўп  
Эшишилар нағмаси.  
Ором берар ер, кўйка,  
Шўх-шўх чалган навеси.  
Еган мева данагин,  
Лекин отар ҳар ёнга.  
Ойлар ўтиб баҳорда,  
Айланар кўк алвонга.  
Ўрмон – қушлар макони  
Сайрап ҳар тонг, ҳар оқшом,  
Кимки агар меҳр қўйса,  
Асло чекмас қайғу-ғам.

### ЧИПҚОН ҚИШЛОҚ ҚЎШИГИ

Чипон қишлоқ - Чипқон қишлоқ,  
Элу юртга ёққон қишлоқ.  
Меҳнат қилиб ўғил қизи,  
Ўз тақдирин топғон қишлоқ.  
Жамолин кўз кўз қилиб,  
Ой қуёшга боққон қишлоқ .  
Ҳар бир кўйрак нишонларин,  
Кўксиларга таққон қишлоқ.  
Булоқларин зилол суви,  
Богларидан оққон қишлоқ.  
Қўй қўзиси бўр тепада,  
Ўйноқлашиб чопғон қишлоқ.  
Чипон қишлоқ, Чипқон қишлоқ,  
Элу юртга ёққон қишлоқ .

### ЗАХИРАДА ТУРАДИ

Қўшини им жаги тинмас,  
Эртаю кеч ҳуради  
Бизники-чи, гинг этмай,  
Хуррагини уради.  
– Нега? – дея акаси,  
Укасидан сўради.  
– Итимиз, дер – таътилда,  
Захирада туради.

### ЧАРХПАЛАК

Анҳор тўла сув оқса,  
Чархпалакни уйғотар.  
Кўзаларга сув олиб,  
У юқори узатар.  
Исроф қилмай, ёш дехқон,  
Сув беришин кузатар.  
Сув қочсалар агарда,  
Тезда бориб тузатар.  
Чанқамай ўсса экин,  
Ҳосил бўлар мўлуд кўл  
Ишонмасанг, эй дўстим  
Бас ўйнайин, чўзгин кўл.

Эрназар РЎЗИМАТОВ.



### АЗИЗ БОБО

Туркистонга келдим бобо, қирлар ошиб,  
Дил дардини айтай сизга Сирдай тошиб.  
Ўтираман қаддим букиб, тизза чўкиб,  
Супургим бор останангни кўз ёш тўкиб.

Бир фарзанднинг гадосиман жоним бобо.  
Бир фарзанднинг адосиман жоним бобо.  
Фарзанд билан эл ободдир ҳам хонадон,  
Фарзанд билан ором опар танди бу жон.

Үтар дунё. кетар дунё, қолар зурёт,  
Қариганда ким қараиди солсан фарёд.  
Бефарзанднинг номи ўчар мисли чироқ,  
Бу дард кетгай инсонлардан бўлиб ўироқ.

Эй, Эрназар, Султоним бу – азиз бобо,  
Тоўй сўраганга от миндирган лазиз бобо



### • Болаларингизга ўқиб беринг

## Асалари ҳамласи

Ўшандада учинчи синфда  
ўқирдим. Еримиз катта бўлгани учун дадамнинг дўсти Ёрмат ака асалариларини олиб  
келиб, қутиласларни боғимизга ўрнатди. Ўзи қутиласларни ёнига каравот қўйиб,  
тунда қўриқчилик қиларди.  
У биз билан бирга овқатланарди.

– Асалари – энг беозор ҳашарот, – деди у бир куни тушлик қилаётганимизда.  
Тегмаганга тегмайди. Теккан одамни аяб ўтирайди. Чақади, кейин ўзи ҳам нобуд бўлади.

Эртасига нонушта пайтида асалари ҳақида бошқа маълумотлардан хабар топдик.

– Олимлар оддий асалари ҳаётини узоқ ўйлардан бўён ўрганиб келади, – деди у. – Асалари оиласидаги тарбия, юқсак интизом,adolatли меҳнат тақсимоти, бир-бирларига ахборот ётказиши, душманга қарши биргаликда “жанг” қилиш, ишёқмаслик, дангасалик, фурибгарлик (инга бемаза гулчанг олиб келиши) учун жазо чоралари, инни тоза сақлаш, ўй ичига бегоналарни киритмаслик, бола тарбияси билан шугулланиш каби қатъий тартиб-қоидалар ҳаммани ҳайратга солади. Асалари қиши маесумида уч-тўрт ой инидан ташқариға учиб чиқмайди, аммо ахлатини яшаётган ўйи ичига ташламай, қорнишига ўйғади. Қиши чўзилиб кетса, қорнишишиб, ҳалок бўлади.

Ҳавода асалариларнинг сира тинмайдиган ғувиллаши менга ёқарди, лекин... улар мени ҳар куни чақарди. Бордию, юзимни чақса, Ёрмат акага кўринмасликка ҳаракат қилардим. Тағин «асалариларимни нобуд қиляпсан»,



дея таъна қилармикан, деб кўрқардим. Бир куни у юзим шишиб кетганини пайқаб қолди.

– Ие, сени асалари тала-

га ўхшайди, – деди у.

– Талади, лекин мен улар-

га тегмадим, – дедим мен.

– Қани, яқинроқ кел-чи,

– деди у. – Бирон сабаб бор-

дирки, улар сени талаған.

Мен унинг ёнига бордим.

– Ақбаржон, сендан пиёз ҳиди келяптику. Пиёзни яхши кўра-

санми? – сўради Ёрмат ака.

– Ҳа, ҳар куни икки-уч бош пиёзни

нон билан ейман...

– Мана, нима учун сени асалари талағапти. Баъзи асаларилар керосин ҳидини, баъзилари атир ҳидини ёмон кўради. Менинг асалариларим пиёз ҳидини ёмон кўради. Энди бир оз пиёз емай тур.

Шу кундан «пиёзхўрлик»ни тўхтатдим. Асалари чақиб олмасин, деб овқатнинг ичидаги пиёзларни ҳам териб, олиб ташлардим.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Ёрмат ака мени чақирди:

– Ақбаржон, қани, юр, қутиласларни очиб, асал оламиз, менга ёрдам берасан.

Мен кўрқанмни билдиримаслик учун баҳона излай бошладим:

– Ҳозир бувим келади, бозорга борамиз.

– Бувинг келгунича улгурамиз, – деди у.

Мен истамайгина Ёрмат акага эргашдим. У қутиласларни очиб, асал олаётганида ёнида турдим, биронта ҳам асалари менга тегмади.

Содик дўстий.

1941 йилнинг кузи. Ленгер шахридаги кончилар Маданият саройи олдидағы майдонда асосан, аёллар, ёш болалар ва кексалар йиғилишди. Ҳарбий комиссариат вакилининг қисқа нұтқидан сүнг фронтта отланған 20 йигит яқинлари билан шоша-пиша хайрлашиб, машинага чиқиши. Радиокарнайдан шу даврда машхур бўлган видолашув қўшиғи – «Прощание славянки» янгарди.

Ҳали 18га тўлмаган уч йигит – Степан Маковец, Николай Гридин ва Қосимбек Ниёзовларга вилоят ҳарбий комиссари ҳарбий билим юртига йўлланмани топшириди.

– Нима учун фронтга юбормаганимнинг сабабини биласизларми? – сўради у ва ўзи жавоб берди:

– Сизларнинг ҳужжатларингиз қалбаки экан. Ўн саккизга тўлмаган экансизлар. Бир ёшдан қўшиб ёзибсизлар.

Улар ҳарбий билим юртини тутатиб, кичик лейтенант унвонини олишди ва фронтга жўнашди. Биринчи жанг ҳанузгача Қосим-

лашиб келарди. Улар ўқларини тежаш учунни, отмай келишарди.

– Ўртоқ лейтенант, отиша рухсат беринг, – деди замбаракни тайёрлаб турган Лукин Ниёзовга.

– Ўт оч!

Биринчи ўқ отилгач, немислар ўқ ёғдира бошлиши. Тутун ва чанг аралашиб, жанг майдони кўринмай қолди. Чанг босилгач, бир танк Лукиннинг тўп томонга келётганини кўрди ва дарҳол буйруқ берди:

– Шевцов, ўт оч!

Танкнинг занжир тасмасидан ўт чиқиб, ёна бошлиди. Бир муддат қотиб қолгандай бўлдию, бир маҳал башнясини буриб, унга ўт очган замбаракни излай бошлиди. Қосимбек шошиб қолди,

– Шевцов, ўт оч! – дедио, елкасига теккан ўқнинг оғригини сезди.

Бир зумда кўз олдига онаси, икки йил муқаддам урушга кетган отаси келди, сўнг, кўз ўнги қоронилашиб, йиқилди.

Кечқурун ўзига келди. Ҳарбий билим юртида бирга ўқиган дўст-



бўлибди. Ўзи Совет Армиясига кузатган тўнгич ўғли бугун 55 ёшда, неваралари мустақил Қозоғистон Қуролли кучларида хизмат қилиши.

Энг кичик невараси бувасини туғилган куни билан табриклиди ва деди:

– Бува, мен ҳарбий бўлмоқчиман, фотиҳангизни беринг.

– Халқимизнинг тинч ва осоишишта ҳаётини ҳимоя қилиш – жуда масъулиятли ва шарафли бурч, – дедио, кўз олдидан уруш йиллари бирма-бир ўтди.

## ВИДОЛАШУВ ҚЎШИҒИ



бекнинг ёдида. Бир кеча-кундуз тўхтовсиз пиёда юриши, ҳатто қурол-яроғ ортилган отлар ҳам чарчашди. Кечқурун дарёдан кечиб ўтиб, бир тепаликни эгаллашиб. Ҳандақ қазиб, жангга тайёрланишиди. Тонгга яқин батальон командири зобитларни ертўладаги штабига йиғиб, вазиятни тушунтириди:

– Орқага энди йўл йўқ. Қайтадиган бўлсак, немислар учун тайёр нишонга айланамиз. Вазифамиз – немисларни дарёдан ўтказмаслик. Қўшимча кучлар юборамиз, дейишапти. Уларнинг қаҷон келиши номаълум, унгача душманни дарёга яқинлаштириш турариз. Тушунарлами?

Жавобни кутмай, бутунлай бошқа овозда деди:

– Сизларга ишонаман, болаларам...

Ҳали тонг ёришмай туриб, олистан танклар овози эшилтиди.

– Бу танкларнинг овози эмас. Ахир улардан дизелнинг овози келиши керак-ку. Бу аниқ, карбюраторнинг овози, яъни, юк машиналарига ўхшаяпти, – деди Степан.

– Билағон бўлиб кетибсанку, немисларнинг танкларига дизэлли мотор эмас, карбюраторлариси ўрнатилган, яъни улар бензинда юради. Автоматинг билан бензобакини мўлжаллаб отавер, улар қозодек ёниб кетади, – маслаҳат берди Николай Гридин.

Душман танклари тобора яқин-

ларидан айрилганини эшитди. Душманга нафрати тобора ортиб, ўч олиши мақсад қилиб қўйган зобит керосин чирок ёруғида ҳаяжонланиб, руҳий ва жисмоний оғрикларга қарамай, ариза ёзди: «Мени ВКП(б)сафига қабул қилишинизни сўрайман...»

Кейин бундай жангларнинг саноги бўлмади. Уларда лейтенант Ниёзов коммунист сифатида жанг қилди. Суронли жанглар давомида Польша, Руминия, Венгрия ерларини фашист босқинчларидан озод қилишда иштирок этди. 1944 йилнинг декабрь ойида душманнинг навбатдаги кучли ҳужумини қайтариш учун жангда чап елкасидан қаттиқ яраланди ва госпиталга етказилди. У ерда уч-тўрт кун даволаниб, янга жанггоҳга отланди. Ельня ва Бугда, Висла ва Берлинда неча бор ажалдан қолди. Берлиндаги Рейхстаг деворига «Фалаба!» деб ёзиб, ўзи, Вислада жон берган Николай Гридин, она қишлоғига икки оёғидан айрилиб қайтган Степан Маковецнинг исмашарифларини ҳам ёзиб қўйди.

– Нега уларни ёзяпсан, Коля ҳам, Стёпа ҳам Берлинга келишмадику? – сўради ҳамқишлоғи Раҳимжон Одилов.

– Уларнинг жасорати туфайли биз бу ерга етиб келиб, ғалаба қозондик, – жавоб берди капитан Ниёзов.

Мана, бугун бу воқеага 75 йил

Аёвсиз жангларда кўп маротаба душман билан юзма-юз келганию, ҳар бир қарич ерни озод қилиш учун жангларда қон кечганини унтиб бўладими? Украина озод этилгач, ғарб томон юриш Белоруссия заминида давом этди. Ҳар сафар видолашув қўшиғи – “Прощание славянки” янграганда она шахри ёдига тушар, Фалабага ишончи ортарди. Кейин Польша, Югославия, Болгария, Австрияни фашистлардан тозалашда фаол иштирок этди. Шу йиллар давомида мард ўзбек йигити етти бор оғир яралangan бўлса-да, ҳар гал госпиталда даволаниб, яна сафга қайтаверди.

1945 йилнинг 9 майида фашизм устидан расман Фалабага қозонилгандан сўнг Япон урушига жўнатилиди. Мамлакатнинг шарқий сарҳадларини мустаҳкамлаш йўлида ҳарбий хизматни 1950 йил кузгача давом эттириб, эсон-омон юртга қайтди. Даҳшатли уруш хотираларидан беихтиёр отахоннинг кўзлари намланди:

– Урушга 10 йил тайёргарлик кўриб, тиш-тироғигача қуролланган душманни енгдик. Бу осон бўлмади, – деди у. – Миллионлаб қурбонлар эвазига келган ғалабани ва юртимиз мустақилларини кўз корачигидай асраримиз керак. Жаҳонда тинчлик доим барқарор бўлсин. Ниятинга ет, болам!

Авазхон АБДУФАТТОХ.

## МӘМС ЖҮЙЕСІНДЕ САҚТАНДЫРЫЛҒАН АЗАМАТТАР ҚАНДАЙ МЕДИЦИНАЛЫҚ ҚӨМЕК АЛА АЛАДЫ?



• Алғашқы медициналық-санитарлық қемек амбулаториялық тегін қамтамасыз етіледі және қундізгі күтім, профилактика, диагностика, аурулар мен жағдайларды емдеу, жүктілік кезеңін бақылау, медициналық манипуляция, т.б. кіреді.

• Мамандандырылған және жоғары технологиялық медициналық қемек, оның ішіне профилактика, диагностика, арнайы техниканы және курделі медициналық технологияларды пайдалануды талап ететін ауруларді емдеу кіреді.

• Жедел медициналық жәрдем жедел медициналық арапасуды талап ететін жағдайларда (апаттар, жарақат, улану, кенеттен пайда болған қатты ауру) медициналық үйымдарды тыс шұғыл немесе төтеше түрінде қарастырылған амбулаториялық немесе стационарлық қемек.

• Жоспарланған медициналық қемек науқастың өмірін қауіп тендірмейтін, аурулар мен жағдайлары үшін ауруханада қарастырылған.

• Дәрі-дәрмек қамтамасыз ету – амбулаторлық медициналық қемек көрсету кезінде.

• Медбике күтімі – ауру нәтижесінде тұрақты үй көмегіне мұқтај болған немесе өздері қамқорлық жасай алмайтын тұлғаларға қемек көрсету.

• Паллиативтік - жазылмайтын, өміріне қауіп тендіретін аурулар және ауру адамға жайлышытын ықтинал мен деңгейде жатқан ауыратын науқастардың өмір суру сапасын қамтамасыз ету.

Нигара ДОСМЕТОВА,  
№12 ШКЕ ЖТ дәрігері.

## ЯЛПИЗ ЧОЙ БОШ ОГРИФИНИ ҚОЛДИРАДИ



Ялпиз таркиби эфир мойлари, органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, глюкоза, рутин, С дармандориси ва яна қатор фойдалы моддаларга бой. Унинг қайнатмаси тиши оғриғи, миilk яллигланишини даволаш учун тавсия қилинади. Ялпиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиёми қуёнчиқ хасталигига, ўсимлик шираси эса шақиқа ва сарық қасалига қарши фойдалы. Ялпиз кўкракни юмшатиб, белғамни кўчиради. Нафас йўли касалликларининг олдини олишда кенг кўпланилади.

Ялпиздан қайнатмадай тайёрлану учун 5-20 грамм ялпиз ятроғи 200 грамм сувда 15 дақықа қайнатилади. Сўнг дока орқали сиздириб, шарбати кунига 2 маҳал овқатдан олдин ичилади.

Ялпизли суртма малҳам шиши ва оғриқдан ҳоли қилювчи воситадир. Бунинг учун 200 грамм ялпиз гулидан олиб, шиша идишга солинади ва унга 400 грамм зайтун ёғи кўшилади. Идиш оғзи зичлаб беркитилади. Сўнг уни 40 кун қўёш нури тушиб турадиган жойга кўйилади.

Ялпиз чой бер қанча касалликларни даволашда кўпланилади. Гипертония, атеросклероз, стенокардия, невроз, ўйқусизлик, ошқозон ва ичак касалликларидан ялпиз чой кун давомида инсонга тетиклик бағишилади. Ўйқудан олдин ичилса, чарочқларни ёзиб, яхши дам олиши таъминлади. Ялпиз таркибидаги ментол моддаси артериал қон босимини туширишда ёрдам беради. Турли ичак касалликларидан, шамоллаш ва гриппни даволашда ҳам ялпиз чойнинг фойдаси кўп. Тибиётда ялпиз баргларидан асаб тизимини тинчлантиришда бир қатор дори воситалари тайёрланади.

Ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. У ялпизни оқват ҳазм бўлишини яхшиловчи, гижжа ҳайдовчи, қон тўхтатувчи, қайт қилишини қолдирувчи восита сифатида тавсия этган. Халқ табобати амалийтида ялпизли қайнатма истиско, кўтири, бод, сарик, шамоллаш, йўтал ва бошқа касалликларни даволашда яхши фойда бериши аниқланган. Ялпиздан баҳорда кўкатли сомса, манти, чучвара ва бошқа таомлар тайёрланishi инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

“Шифо бор”дан.

## Бугунги Туркистон ва Амир Темур

Элбошимиз, Тўнгич Президентимиз Н. Назарбаевнинг «Инсон мангу яшамайди, мангу яшайдиган унинг иши» деган нақли ҳамиша ҳаётий. Бу ҳикмат Ҳазрат Амир Темурга нисбатан қўлланисласа ҳам бўлади. 2018 йил 19 июняда ташкил этилган Туркистон вилояти маркази – Туркистон шаҳри марказидаги кўча Амир Темур номи билан юритилади. Ундаги гавжум транспорт бекати ҳам «Амир Темур бекати» деб аталади.



Вилоят ҳокимлиги, бугун эса Туркистон шаҳар ҳокимлиги ҳам айнан Амир Темур кўясидаги жойлашганилиги фикримизнинг далилидир. Туркистонда соҳибқирон номидаги ўрта мактаб ҳам бор. Амир Темурга Қозогистонда кўрсатилаётган ҳурмат диққатга сазовордир.



Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: Амир Темур номидаги бекат; уч тилдаги кўча номи.

Муаллиф тасвирлари.

## Саловарни сафа чойи

Техника тараққиёти туфайли самоварда қайнаган бетакрор чой таъмини унутаёзганимизни тан олишимиз керак. Тўғри, электр ёки газ тармоғи орқали осонгина чой қайнатиш имконияти мавжуд ҳолда самоварга чой кўйиш зарурини камайганлиги ҳақиқат.

Лекин, ҳозир ҳамма уйда бўлиши шарт, деган тартиб кучга минганд паллада самовар қўйиб, сара чой ичайтганлар сони кўпайди. Ўтган асрда нуроний отахон ва онахонлар фақат самоварда қайнаган чойни истеъмол қилишганлигини яхши биламан. Самовар чойи – тирик, яни – жонли чой, деб билишарди, улар. Россиянинг Тула шаҳрида ишлаб чиқариладиган машҳур самоварлар қарийиб ҳар бир хонадонда, ҳатто бир нечтадан мавжуд эди. Ўтин танламайдиган, гўзапоя, тезак, кўмир, саксовул ва тарашага ҳам кўниб, алана олиб, чойи қайнайверадиган, ажойиб чойи билан барчани баҳраманд этадиган самовар тақдир тақоси билан янга орамизга, рўзгоримизга қайтмоқда.

Чироқ ўчиб қолса, ёки газ тугаб қолса самовардан фойдаланинг Афсусланмайсиз.

Эллик йилда эл янги, деганлари шумикан?!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Самоварда қайнаган хушбўй чой димоқни китиқлайди.  
Муаллиф тасвири.



Бош мұхаррір – Алишер Фофуржон ўғлы СОТВОЛДИЕВ.

Бош мұхаррір  
үрінбосарлари:  
**Муроджон АБУБАКИРОВ.**  
Ислом АБДУНАБИЕВ.

Масъул котиб –  
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

### Бўлимлар:

Умумий бўлим — **Мухтабар УСМОНОВА.**  
Адабиёт ва санъат, спорт — **Хуршид КЎЧКОРОВ.**  
Обуна, реклама ва эълонлар — **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.**

### Махсус мұхбирлар:

Туркистон, Кентов — **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.  
Тўлебиб, Қазигурт — **Баҳорой ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.  
Сайрам, Тулкибош — **Ислом НИЁЗАЛИЕВ.** 8(72531) 24-274.

Муассис: Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – "Turkistan Media Holding" масъулияти чекланган биродарлиги.

- Маколалар, эълон ва бидириўлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун музалипплар, реклама ва эълон берувчилар масъулдор.
- Фойдаланилмаган маколаларга ёзма жавоб қайтирилмайди.
- Қозогистон Республикасида тар катилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йй, 4-кават. Телефон: 53-93-17. Телефон: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета КР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 16 марта рўйхатга олинни, KZ42VPY0002129 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466  
Адади – 12200

Буюртма: 944

Навбатчи мұхаррір: Саодат ШАРИФБОЕВА.

◆ Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 684 йиллигига...

## ТАРИХДА МАШХУР ТАРИХИЙ ШАХС ...

### ёки 536 йилдан кейинги синовлар...

Үтган асрнинг саксонинчи ийларидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олаётганимизда машҳур ва иқтидорли профессор Тошмуҳаммад Қори Ниёзийнинг «Шарқ юлдизи» журналида чоп этилган қизиқарли мақоласини ўқиб қолдим.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқанддаги Гўри Амир сағанасини 1941 йили очишида Москвадан келган олимлар Александр Семёнов, антрополог Михаил Герасимов, ёзувчи Садриддин Айнӣлар билан бирга иштирок этган олим сифатидаги унинг ҳаяжони хулосаларини ўқиб ҳайратланганимиз ҳануз ёдимда. Сағанани очаётгандаридаги профессор Қори Ниёзий ўша кездаги атеизм ашаддий кучга минганд давр эканлигига қарамасдан, ичда хуфёна Қуръон оятларини тўхтовсиз ўқиганлигини таъқидлаб ёзди. Барча тадқиқот, қазилма ишларини машҳур кинооператор Малик Қаюмов юқоридан берилган ўта маҳфий топширик остида тасвирга олади. Соҳибқирон майитини аввал мўлжал қилишанидек қабр устига кўйилган мармар тош тагидан эмас, қабр остидаги иккинчи мармар қабрдан кўтариб оладилар. Бу – Амир Темурнинг сон-саноқиз душманларидан сақланиш – эҳтиёт чоралари, ғанимларга қарши ишлатилган тадбир эди. «Оппоқ куюқ буғ кўтарилиди. Ҳамма бирдан ҳайратдан донг қотди ва орқага тисариди. Атрофни хушбўй ҳид қоплади. Соҳибқирон Амир Темур жасади ислом динининг яшил байроби – фотиҳа сураси битилган анвойи матога ўралган экан», – деб ёзди хотираларида профессор Қори Ниёзий...

2012 йили Туркистонда шаҳар ҳокимлиги кўллови, тадбиркор Доњиш Маннотов ҳомийлигига туркистонлик 50 ёнги фахрий отахонлар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари «Дўстлик карвони» таркибида Туркистондан қўшни Ўзбекистон, хусусан, Тошкент, Самарқанд шаҳарларига саёҳат – зиёрат килдилар. «Дўстлик карвони»да мен ҳам муҳбир сифатида иштирок этдим. Самарқандга етиб келганимизда машҳур Регистон майдони, ёдгорликлар, соҳибқирон Амир Темур дағнинг этилган Гўри Амир мақбараси барчамизда бекиёс қизиқиши ўйғотди. Зоро, қозоқ ва ўзбек халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдек муనаввар мақсадни ният қилган ушбу сафар аввалини жаҳонга таникли тарихий шаҳс Амир Темур Туркистонда бунёд эттирган Ҳазрат Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбараси пойида бошланган эди-да.

Гидлар соҳибқироннинг хизматларини, вафотидан сунг эса 1941 йили Совет олимлари томонидан текшириш учун сағананни очганларни, бу ишлар натижаси нималар билан тугаганини баён этиб беришди. Амир Темур 1405 йили вафот этган бўлса орадан

536 йил ўтгач, олимлар томонидан ўрганилиш, тадқиқ учун майит жойидан олинади. Тарихий далилларга асосланган видео дискларни харид қилдик. Уларни кўриб ҳайратландик, хулоса қилдик.

Тарихдан маълум, Амир Темур 1405 йилнинг февралида Хитойга ҳарбий юришга отланганида ҳозирги Туркистон вилоятига қарашли ўтиорор ҳудудида вафот этади. 200 минг кишилик улкан қўшин ҳаддан зиёд совуқда ҳарбий сафарга отланнишдан бўйин товлаб, иккиланиб турганида Соҳибқирон Амир Темур қўшини, барча икканини турганди.

Бошланади. Амир Темур жасади ўрганилиш учун пойтахтга олиб кетилади. Тақдир тақозоси билан кино оператор Малик Қаюмов фронт майдонида машҳур саркарда Георгий Жуков билан учрашиб, Самарқанддаги Амир Темур саганасини очишидаги воқеалар тафсилоти, нуроний отахонларнинг огоҳлантиришларини, бу эслатмалар сағанадаги мармар тошларга ҳам битилганини баён этиб, чора кўришни илтимос қиласди. Ҳарбий кўмондон Г. Жуков ушбу воқеа тафсилотини тўғри тушуниб, тўғри қарор қабуллайди. Бу ҳақда СССР давлати раҳбари И. В. Стalin билан сұхбатлашига вайда беради. У айтганларини бажара-



ҳарбий сафарни одатдагидек ғалаба билан яқунлаш учун асарларга ўрнак, ибрат сифатида қиши қаҳратони – совуқ шамолда чодирдан чиқиб баландликда, барчага кўриниб турган жойда соч-соқолини олдиради. Буни кўрган қўшин руҳланиб ҳарбий сафарга отланади. Лекин, қаттиқ совуқдаги бу тадбир ўз таъсирини кўрсатади, соҳибқирон қисқа муддатли оғир хасталиқдан сунг вафот этади. Унинг жасадини Самарқандга етказиш ва дағн этиш ҳам осон кечмайди. Ашаддий ганимларни, хийлакор душманларни чалғитиш учун гўё ҳукмдор жасадини олиб кетаётгандек бир неча карвон Самарқандга отланади. Аслида эса Соҳибқироннинг жасади ўта пинҳона ва эҳтиёткорли билан, ҳарбий мудофаа чоралари кўрилган ҳолда Самарқандга етказилиб, шариятнинг барча қонун-қоидаларига кўра Гўри Амир мақбрасига дағн этилади.

1941 йили май ойида Амир Темур мақбарасида сағанани очиши учун бошланган илмий тайёргарлик ишларида кўп файри-табиии воқеалар рўй беради. Самарқандлик нуроний отахонлар кўп марта сағанани очишига ўтироҳ билдириб, бу нарса пировардида яхшилика олиб бормаслигини тақор-тақор огоҳлантиришларига қарамасдан иш давом этади. Нихоят, 1941 йили 21 июняда Амир Темур қабри очилиб, майит олимлар томонидан ўрганилиш учун олинади. Тарихдан маълум, бир кун ўтгач, Улуғ Ватан уруши

ди. Ўз навбатида синчков, ақли ва эҳтиёткор раҳбар И. В. Stalin Амир Темурнинг жасадини ўз жоигига, Самарқандга, Гўри-Амирга қайта дағн этишни буоради.

Тарихий шахслар майитлари юланган ҳарбий самолёт Москва шаҳри ва фронт бўйлаб парвоз килган, деган тафсилотлар ҳам бор.

Амир Темур ва унинг салтана-ти давомчиларининг майитлари қайтадан ўз тарихий жоигига дағн этилағич, Совет қўшиларининг немис босқинчиларида қарши урушдаги мувоффақиятли хужумлари бошланади. Дастлаб Сталинград остоноасида немисларнинг ҳужуми тўхтатилади. Кейин эса Совет Армиясининг зафарли ҳарбий юришлари кенг қулоч ёяди.

Келгуси 2021 йилда Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллудига 685 йил тўлади. Ўзбекистон давлати 1996 йили (Мустақилликка эришгач) маҳсус Фармон қабуллаб Соҳибқирон Амир Темур шахсини миллий қаҳрамон сифатида оқлаб, ёш авлодга ўргатиш, ибрат учун тавсия этиди. Бунга қадар эса атеизм кучга минганд Совет даврида негадир Амир Темур шахсини салбий жихатдан кўрсатиш амалиёти устун бўлди. Туркистон шаҳридаги Амир Темур бунёд этган маҳобатли мақбара барчанинг, барча туркйларнинг, ўтмиш аждодлар ва бугунги, кейинги авлодлар учун фахр-иiftihor бўлиб қолаверади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси.